2

Куч — адолатда

2013 йил
18 октябр,
жума
№ 42 (451)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.oliysud.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

Мамлакатимизда истиқлолнинг илк йилларидан маънавиятимизни юксалтириш, миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Аввало, она тилимизга маънавий-маданий мерос, умуммиллий бойлик, олий қадрият сифатида қараш шаклланди.

МИЛЛИЙ ЎЗЛИГИМИЗ ИФОДАСИ

Зеро, тил умумбашарий қадрият, инсониятга ато этилган энг улуғ ва олий неъматлардандир. **"Ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади. Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Она тили бу миллатнинг руҳидир"**, деб таъкидлайди Президентимиз Ислом Каримов "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида.

Бундан йигирма тўрт йил бурун ўзбек тилига давлат тили мақоми берилгани, аниқроқ айтганда, 1989 йилнинг 21 октябрида Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги Қонунининг қабул қилиниши мустақиллик учун қўйилган дастлабки қадамлардан бири бўлди.

Ўз навбатида мазкур қонун тилимизнинг ривожланиши, ҳаётимизга кенг кириб боришида муҳим аҳамият касб этди. Унда давлат тили билан бирга юртимиздаги барча миллат ва элатларнинг тилларини ривожлантириш, давлат йўли билан ҳимоя қилиш, тили, дини ва миллатидан қатъи назар, ҳар бир фуқаронинг ўз она тилида таълим, ахборот, керакли маълумот олиш каби ҳуқуқларини кафолатлаш масалалари аниқ белгилаб қўйилди. Шу тариқа бебаҳо қадриятларимиздан бири, миллат кўзгуси — она тилимиз ўзининг қонуний мақомига эга бўлди. Бу халқимиз ҳаётида улкан маданий-маърифий, миллий ва маънавий воқеа бўлди.

Ўтган йиллар мобайнида тилимиз ривожи йўлида улкан ишлар амалга оширилди. Таълим муассасаларида ўқиш-ўқитиш ишлари, идора ва ташкилотларда ҳужжатлар юритиш ва бошқа жараёнлар давлат тилида олиб борилмоқда. Айни пайтда дунёнинг кўплаб мамлакатларида, олий ўқув юртларида ўзбек тили ва адабиёти алоҳида фан сифатида ўргатилмоқда.

(Давоми тўртинчи бетда)

Kuchli davlatdan — kuchli fuqarolik jamiyati sari

Муҳим ижтимоий-сиёсий жараён

жорий йилнинг ноябрь-декабрь ойларида фуқаролар йиғинлари раислари ва унинг маслаҳатчилари сайлови бўлиб ўтади

Истиқлол йилларида халқимизга хос асрий анъаналар, миллий урф-одатлар қайта тикланди, қадр ва эъзоз топди. Айниқса, жаҳоннинг ҳеч бир мамлакатида учрамайдиган ноёб тузилма — маҳалланинг ижтимоий ҳаётимизда тутган ўрнини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Бу жараёндаги янгиланиш ва ўзгаришлар, аввало, фуқароларнинг давлат бошқарувини амалга оширишдаги иштироки ва маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни мустақил ҳал қилишини таъминловчи ҳуқуқий кафолатлар тизимини яратишдан иборат бўлди.

Олий Мажлис Сенати Кенгашининг жорий йилнинг 12 сентябрдаги **"Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"**ги қарорига асосан 2013 йил ноябрь-декабрь ойларида оқсоқоллар ва уларнинг маслаҳатчилар лавозимларига сайловлар ўтказилиши белгиланди. Мазкур қарорда сайловларни ўтказиш муддатларидан ташқари сайловни ташкил этиш, амалга ошириш, назорат қилиш, якунларини чиқариш каби масалалар ҳам ўз ифодасини топган.

Албатта, фуқаролик жамиятини шакллантиришда ижтимоий-сиёсий тузилмалар, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг, айниқса, фуқароларнинг давлат ишларини бошқаришдаги фаол иштироки муҳим аҳамият касб этади. Зеро, Конституциямизнинг 32-моддасида таъкидланганидек, фуқаролар жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар.

(Давоми учинчи бетда)

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг

ҚАРОРИ

2013 йил 6 сентябрь № 18 Тошкент шаҳри

Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ва контрабандага оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида

Суд амалиётида божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ва контрабанда учун жавобгарликка оид қонунчиликни қўллашда масалалар келиб чиққанлиги муносабати билан, "Судлар тўғрисида"ги Қонуннинг 17-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Судларга тушунтирилсинки, Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 3-моддаси ва "Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида"ги Қонуннинг 3-моддаси мазмунига кўра, Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси (бундан буён матнда — божхона чегараси) Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси билан устма-уст тушади. Божхона чегарасига қонунда эркин божхона зоналари ва эркин омборлар тегралари (периметрлари) ҳам киритилган.

Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудини унинг буткул давлат ҳудуди ташкил этади, эркин божхона зоналари ва эркин омборлар ҳудудлари бундан мустасно (агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса).

2. Товарлар ва транспорт воситаларини божхона чегарасидан ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси (бундан буён матнда — БК) ва бошқа қонун ҳужжатлари билан қатъий белгиланган. Товарлар ва транспорт воситаларини белгиланган тартибни бузган ҳолда божхона чегарасидан ҳар қандай тарзда ўтказиш қонунга хилоф ҳисобланади ва маъмурий ёки жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

3. Қонун божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш учун жавобгарлик турини божхона чегарасидан қонунга хилоф равишда ўтказилаётган товарлар ва транспорт воситалари миқдори билан боғлаган бўлиб, бу миқдор уларнинг ҳуқуқбузарлик содир этилган кундаги қийматидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Товарлар ва транспорт воситаларини қонунга хилоф равишда божхона чегарасидан кўп миқдоргача ўтказганлик учун ҳар доим, шахс айнан шундай ҳуқуқбузарлик учун бир йил давомида бир неча марта маъмурий жавобгарликка тортилганлигидан қатъий назар, маъмурий жавобгарлик келиб чиқади.

(Давоми иккинчи бетда)

Qonun ijodkorligi

Малакали кадрлар тайёрлаш тизими

янги қонунлар асосида янада такомиллашмоқда

Мамлакатимизда суд ҳокимиятининг мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, одил судловни амалга ошириш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга қаратилган муҳим чора-тадбирлар изчиллик билан амалга ошириб келинмоқда.

Айтиш керакки, давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 2 августдаги **"Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги, 2012 йил 30 ноябрдаги **"Судлар фаолиятини янада такомиллаштиришнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида"**ги фармонлари ҳамда 2012 йил 29 декабрдаги **"Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака Комиссияси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"**ги Фармойиши суд тизимидаги ислоҳотларнинг янги босқичини бошлаб берди.

Юқорида қайд этилган ҳужжатларда суд ишларини мустақил юритиш ва суд органлари ходимларининг ижтимоий-ҳуқуқий муҳофазасини кучайтиришга оид комплекс ва тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш ҳамда судлар фаолиятини ташкил қилиш бўйича судья кадрларни танлаш, тайёрлаш ва лавозимларга кўрсатиш ишларини янада такомиллаштириш каби муҳим вазифалар кўзда тутилган.

(Давоми учинчи бетда)

Юртимизда фуқароларнинг тинч ва хотиржам яшаши, меҳнат қилиши, орзу-умидларини рўёбга чиқариши учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган. Ана шу мақсадларга қаратилган ҳуқуқий кафолатларда давлат фуқароларни ишсизликдан ҳимоя қилиш мажбуриятини олиши, меҳнатга яраша ҳақ тўлаш ҳамда ҳеч ким ишдан асоссиз равишда бўшатиб юборилиши мумкин эмаслиги қонун билан мустаҳкамлаб қўйилган.

Fuqarolik qonunchiligi

Меҳнат ҳуқуқи

қонун билан кафолатланган

Маълумки, мамлакатимизда меҳнат ҳуқуқлари 1995 йилда қабул қилинган Меҳнат кодекси асосида тартибга солинади. Ушбу кодекснинг биринчи моддасида баён этилганидек, Ўзбекистон Республикасида меҳнатга оид муносабатлар меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, жамоа келишувлари, шунингдек, жамоа шартномалари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Аввалгамбор, меҳнат шартномаси Меҳнат кодексининг 72-моддаси талаблари асосида тузилган бўлиши лозим.

(Давоми тўртинчи бетда)

Islohot va samara

Назорат тартибида иш юритиш

амалда кутилган самарани бермоқда

Маълумки, одил судловни амалга ошириш, қонун устуворлигини таъминлашда судлар томонидан қабул қилинган ҳужжатларнинг қонунийлиги, адолатлилиги ва асослилиги ғоятда муҳим ўрин тутади. Айниқса, ишларнинг юқори инстанция судлари томонидан апелляция, кассация ва назорат тартибида кўриб чиқиш тартиби жорий этилгани фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини кафолатли ҳимоя қилишда муҳим ўрин тутмоқда. Шу ўринда ишларни назорат тартибида кўриб чиқиш амалиётига тўхталадиган бўлсак, амалдаги қонунчилигимизга мувофиқ фақат апелляция ёки кассация тартибида кўрилган ишларгина назорат тартибида кўриб чиқилади.

Айтиш жоизки, мазкур институт қисқа фурсатларда қонунийлик ва фуқаролар ҳуқуқларини таъминлашнинг қўшимча кафолати ҳамда одил судлов сифатини оширишнинг самарали воситасига айланди.

Зотан, назорат тартибида иш юритиш эндиликда жиноят иши юзасидан қонуний ҳамда адолатли тўхтамга келиш, айбдорнинг қилмишига яраша жазо тайинлаш, шунингдек, жазонинг тури, миқдорини тўғри белгилашда ғоятда муҳим аҳамият касб этмоқда. Қуйидаги мисол ҳам бу фикримизни тўлиқ тасдиқлайди.

(Давоми учинчи бетда)

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг

ҚАРОРИ

Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ва контрабандага оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси (бундан буён матнда-ЖК) 182-моддасининг биринчи қисми бўйича жиноий жавобгарлик товарлар ва транспорт воситаларини кўп миқдорда қонунга хилоф равишда божхона чегарасидан ўтказганлик учун маъмурий жавобгарликка тортилган (Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 227^{16}, 227^{19}, 227^{20}, 227^{21}-моддалари, 227^{22}-моддасининг биринчи қисми) шахс маъмурий жазо қўлланилганидан сўнг бир йил давомида яна айнан шундай ҳуқуқбузарликни кўп миқдорда содир этган ҳолдагина келиб чиқади.

ЖК 182-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган квалификация белгилари мавжуд бўлганда, жиноий жавобгарлик шахс товарлар ва транспорт воситаларини қонунга хилоф равишда божхона чегарасидан ўтказганлик учун илгари маъмурий жавобгарликка тортилган-тортилмаганлигидан қатъий назар, келиб чиқади. Бунда ЖК 182-моддаси иккинчи қисмининг "в" ва "г" бандлари бўйича жиноий жавобгарлик фақат божхона тўғрисидаги қонунчилик кўп миқдорда бузилган ҳолдагина келиб чиқади.

4. Қуйидагилар, жумладан, ЖК 182-моддасида назарда тутилган жиноят предмети ҳисобланади:

божхона чегарасидан ўтказилаётган ҳар қандай кўчар мол-мулк, шу жумладан, валюта ва валюта қимматликлари;

электр, иссиқлик энергиялари ва энергиянинг бошқа турлари;

БК 7-моддаси 1 — 3 бандларига мувофиқ, товар деб тан олинадиган транспорт воситалари;

интеллектуал мулк объектлари (фойдали моделлар, саноат намуналари);

маданий бойликлар — моддий дунёнинг миллий, тарихий, бадиий, илмий-маърифий, маънавий-ахлоқий ва бошқа маданий аҳамиятга молик кўчар ашёлари ("Маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3-моддаси);

ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектлари.

5. ЖК 182-моддаси мазмунига кўра, товарлар ва транспорт воситаларини (бундан буён матнда — товарлар) қонунга хилоф равишда божхона чегарасидан ўтказиш товарларни Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига олиб кириш ёки мазкур ҳудуддан олиб чиқиш тарзидаги ҳаракатни қуйидаги усуллардан бири орқали содир этишда ифодаланади:

божхона назоратини четлаб ўтиш;

божхона назоратидан яшириш;

божхона ҳужжатлари ёки воситаларига ўхшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланиш;

декларация қилмасдан ёки бошқа номга ёзилган декларациядан фойдаланиш;

чегарани бузиб ўтиш.

6. Товарларни божхона назоратини четлаб ўтказиш уларни Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали ўтказиш пунктларидан ташқари ёки божхона назорати ўтказиш вақтидан ташқари олиб кириш ёки мазкур ҳудуддан олиб чиқишдан иборат ҳар қандай қасддан содир этилган ҳаракатда ифодаланади.

Агар товарларни қонунга хилоф равишда божхона чегарасидан ўтказиш қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш билан боғлиқ тарзда содир этилса, шахснинг бундай ҳаракатлари ЖК 182 ва 223-моддаларида назарда тутилган жиноятлар мажмуи билан квалификация қилиниши лозим.

7. Товарларни божхона назоратидан яшириш деганда, уларни топишни қийинлаштириш ёхуд уларнинг асл хусусияти ёки миқдорини яшириш (масалан, айрим бир товарларга бошқасининг кўринишини бериш, товарларни қонунга хилоф равишда божхона чегарасидан ўтказиш учун махсус тайёрланган ёки мослаштирилган хуфя жойлардан (чемоданлар, сумкалар, транспорт воситалари, контейнерлар ва бошқа ташиш воситаларининг конструкциявий (тузилиш) хусусиятига кўра, ашёларини сақлаш ёки ташишга мўлжалланмаган бўшлиқлари, деворлари (рамалари) ораларидан фойдаланиш, жиноят предметларини одам танасида яшириш)га қаратилган ҳар қандай ҳаракатлар тушунилади.

8. Божхона ҳужжатлари ёки воситаларига ўхшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланиш деганда, жумладан, божхона органларига қуйидагиларни тақдим этиш тушунилиши лозим:

била туриб қалбаки ҳужжатларни;

ёлғон маълумотлар киритилган ҳужжатларни;

қонунга хилоф равишда олинган ёки бошқа товарларга тегишли ҳужжатларни;

ҳақиқий бўлмаган ҳужжатларни;

қалбакилаштирилган божхона қиёслаш воситаларидан (пломбалар, муҳрлар, маркалар босиш, қиёслаш белгилари, штамплар ва БК 46-моддасида назарда тутилган бошқа қиёслаш воситалари) ёки бошқа товарларга тегишли ҳақиқий қиёслаш воситаларидан фойдаланиш.

Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, товарларни божхона чегарасидан ўтказишнинг ҳар бир тартиби учун қонунчиликда божхона органларига тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлар ва маълумотларнинг алоҳида рўйхати назарда тутилган (БК 43-моддаси). Шундан келиб чиқиб, мазкур рўйхатларда назарда тутилмаган ҳужжатлар ва маълумотларни божхона органларига тақдим этмаган шахснинг ҳаракатлари қонунга хилоф деб қаралиши мумкин эмас.

9. Товарларни декларация қилмасдан божхона чегарасидан ўтказиш товарларни олиб кириш ёки олиб чиқиш (чиқариш), уларни танланган божхона режими остига жойлаштириш, божхона тўловларини ҳисоблаш ва ундириш тўғрисида қарор қабул қилиш учун зарур бўлган товарлар ҳақидаги маълумотларни божхона декларациясида қасддан баён қилмасликни назарда тутади.

Бошқа номга ёзилган декларациядан фойдаланиб товарларни божхона чегарасидан ўтказиш деганда, божхона декларациясида ёки декларациялашнинг бошқа белгиланган шаклида товарлар (номланиши, сифати ва хусусиятларини ўзида акс эттирувчи маълумотлар, шу жумладан уларнинг ТИФ ТН кодлари), божхона режими тўғрисида била туриб ёлғон маълумотларни акс эттириш тушунилади.

Тушунтирилсинки, божхона органи томонидан божхона декларациясини текшириш, товарларни кўздан кечириш ва божхона декларациясида кўрсатилган маълумотлар нотўғрилиги аниқлангунга қадар божхона декларациясида йўл қўйилган хатоларнинг декларант томонидан мустақил тузатилиши (БК 95-моддаси) маъмурий ва жиноий жавобгарликни истисно этади.

10. Судлар шуни назарда тутишлари лозимки, ЖК 182-моддасида назарда тутилган жиноятнинг тугалланиш пайти ҳар бир муайян иш бўйича товарларни қонунга хилоф равишда божхона чегарасидан ўтказиш усулидан (божхона назоратини четлаб ёки божхона назоратидан яшириб ёхуд божхона ҳужжатлари ёки воситаларига ўхшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланган ҳолда ёки декларациясиз ёхуд бошқа номга ёзилган декларациядан фойдаланиб) келиб чиққан ҳолда аниқланиши керак.

Божхона назоратини четлаб ёки божхона назоратидан яширган ҳолда товарларни божхона чегарасидан ўтказиш жинояти товарлар билан божхона чегарасини амалда кесиб ўтган пайтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

Божхона ҳужжатлари ёки воситаларига ўхшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан ёки декларациясиз ёхуд бошқа номга ёзилган декларациядан фойдаланган ҳолда товарларни божхона чегарасидан ўтказиш жинояти қайд этилган ҳуқуққа хилоф усуллардан бири аниқланган пайтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

Агар товарларни ўтказиш жараёнида ЖК 182-моддасида назарда тутилган жиноят усули (ҳужжатлардан ёки божхона қиёслаш воситаларидан алдов йўли билан фойдаланиш, декларация қилмаслик, бошқа номга декларация қилиш, божхона назоратидан яшириш) аниқланмаган бўлса, жиноят божхона органлари томонидан товарларни чиқариш тўғрисида қарор чиқарилган пайтдан, бундай қарор шахс божхона таомилини якунлашдан бўйин товлаганлиги сабабли қабул қилинмаган ҳолларда эса, товарлар божхона назорати остидан амалда чиқарилган пайтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

11. Божхона чегарасидан қонунга хилоф равишда ўтказилаётган товарлар миқдорини аниқлашда, ушбу товарларнинг жиноят содир этилган вақтдаги бозор қийматидан келиб чиқилиши лозим.

Қонунга хилоф равишда божхона чегарасидан ўтказилган ва божхона расмийлаштирувидан ўтган товарлар амалда мавжуд бўлмаган (эркин муомалага чиқарилган, сотиб юборилган ва ҳ.к.) ҳолларда, уларнинг қиймати сифатида божхона расмийлаштируви пайтида Ўзбекистон Республикасининг "Бож тарифи тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ аниқланган божхона қиймати тан олинади.

Товарлар қийматини аниқлашнинг имконияти бўлмаган ҳолларда (масалан, қалбакилаштирилган спиртли ичимликлар, контрафакт товарлар) уларнинг қиймати баҳолаш фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ аниқланади.

Божхона чегарасидан қонунга хилоф равишда ўтказилаётган товарлар миқдорини аниқлашда, фақат, божхона назоратини четлаб ёки божхона назоратидан яшириб, ёхуд божхона ҳужжатлари ёки қиёслаш воситаларидан алдаш йўли билан фойдаланган ҳолда ёки декларациясиз ёхуд бошқа номга ёзилган декларациядан фойдаланиб ўтказилган товарлар қисмининг қиймати инобатга олиниши керак.

12. Агар шахс божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш билан бир қаторда қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш жиноятини содир этса, унинг ҳаракатлари ЖК 182 ва 223-моддаларида назарда тутилган жиноятлар мажмуи билан квалификация қилиниши лозим.

Ҳужжатнинг қалбаки эканлигини била туриб, уни божхона органларига ҳақиқий ҳужжат сифатида тақдим этган шахс ҳаракатлари ЖК 182-моддаси билан квалификация қилинади ва қўшимча равишда 228-моддаси билан квалификация қилишни талаб қилмайди.

13. Судларга тушунтирилсинки, агар жиноят божхона чегарасини бузиб ўтиш йўли билан содир этилган бўлса, шахснинг ҳаракатлари ЖК 182-моддаси иккинчи қисмининг "б" банди бўйича квалификация қилиниши лозим. Бунда бузиб ўтиш деганда, жумладан, божхона постига ҳужум қилиш, божхона органларининг қонуний фаолиятига бошқача фаол қаршилик кўрсатиш (масалан, божхона чегараси режими талабларига очиқдан-очиқ бўйсунмаслик, ўзининг хизмат вазифасини бажаришдан воз кечишга мажбур қилиш), божхона хизмати техник воситаларига шикаст етказиш ёки уларни ишдан чиқариш ва ҳ.к. йўли билан божхона чегарасини кесиб ўтишда ифодаланган ҳаракатлар тушунилиши лозим.

Агар божхона чегарасини бузиб ўтиш пайтида айбдор томонидан шахс баданига қасддан оғир шикаст етказилган ёки у қасддан ўлдирилган бўлса, қилмиш ЖК 182-моддаси иккинчи қисмининг "б" банди ва тегишлича ЖК 97 ёки 104-моддаларида назарда тутилган жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиниши лозим. Бундай ҳолатларда қасддан баданга енгил ёки ўртача оғирликдаги тан жароҳати, шунингдек мулкий зиён етказилиши ЖК 182-моддаси иккинчи қисми диспозицияси билан қамраб олинади ва тегишлича ЖК 105, 109 ва 173-моддалари билан қўшимча квалификация қилинишини талаб этмайди.

14. Товарларни қонунга хилоф равишда божхона чегарасидан ўтказиш уюшган гуруҳ томонидан содир этилган деб топилган ҳолларда, ЖК 182-моддаси иккинчи қисмининг "в" банди бўйича нафақат товарларни бевосита божхона чегарасидан ўтказган, балки барча уюшган гуруҳ аъзоларининг (масалан, Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига қонунга хилоф равишда олиб кириш мақсадида чет элда товар харид қилган, божхона назорати пунктида уни ўтказишда кўмаклашган ёки божхона расмийлаштируви вақтида тақдим этилган ҳужжатларни қалбакилаштирган, юкнинг қонунга хилофлигини била туриб, транспорт экспедитори сифатида қатнашган уюшган гуруҳ аъзолари) ҳаракатлари квалификация қилинади.

15. Жиноятни ўз хизмат лавозимидан фойдаланган ҳолда содир этган мансабдор шахс (ЖК 182-моддаси иккинчи қисмининг "г" банди) деб, хизмат бурчига кўра, божхона чегараси орқали ўтказилаётган товарлар устидан божхона назоратини (ҳужжатлар ва маълумотларни текшириш, оғзаки сўров, божхона кўриги, божхона қиёслаши, товарлар ҳисобини юритиш) амалга оширишга мажбур шахс топилиши лозим. Бундай шахслар жумласига, шунингдек, божхона назоратининг муайян шаклларидан БК 50-моддасига асосан озод этилган ва ўз хизмат лавозимидан товарларни қонунга хилоф равишда божхона чегарасида ўтказиш учун фойдаланган мансабдор шахслар ҳам киради.

Товарларни ўз хизмат лавозимидан фойдаланган ҳолда қонунга хилоф равишда божхона чегарасидан ўтказган мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари ЖК 182-моддаси иккинчи қисмининг "г" банди бўйича квалификация қилинади ва Жиноят кодексининг ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш (ЖК 205-моддаси) ёхуд ҳокимият ёки мансабдор ваколати доирасидан четга чиқиш (ЖК 206-моддаси) жиноятлари учун жавобгарликни назарда тутувчи моддалари билан қўшимча квалификация қилишни талаб этмайди.

Товарларни қонунга хилоф равишда божхона чегарасидан ўтказишда ўз хизмат лавозимидан фойдаланган мансабдор шахснинг (жиноят ташкилотчиси, далолатчиси, ёрдамчисининг) ҳаракатлари ЖК 28-моддаси ва ЖК 182-моддаси иккинчи қисмининг "г" банди бўйича квалификация қилинади (уюшган гуруҳ аъзоларининг ҳаракатлари бундан мустасно).

16. Шахснинг валютани қонунга хилоф равишда божхона чегарасида ўтказишда айбдорлиги масаласини ҳал этишда судлар шуни назарда тутишлари лозимки, Ўзбекистон Республикасига эркин олиб кириладиган ва олиб чиқиб кетиладиган нақд хорижий ва миллий валюта миқдори қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикасининг "Валютани тартибга солиш тўғрисида"ги Қонуни;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 31 октябрдаги 376-сонли қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси божхона чегаралари орқали жисмоний шахслар томонидан нақд хорижий валютани олиб кириш ва олиб чиқиб кетиш Тартиби";

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 25 февралдаги "Ўзбекистон Республикасининг нақд миллий валютасини олиб кириш ва олиб чиқиш тартиби тўғрисида"ги 86-сонли қарори билан белгиланган.

Шахс томонидан Ўзбекистон Республикасига бир вақтнинг ўзида олиб кириладиган ёки олиб чиқиб кетиладиган нақд валютанинг фақат бир қисми декларация қилинган бўлса, шахснинг ҳаракатлари нақд валютанинг декларация қилинмаган қисми миқдоридан келиб чиққан ҳолда квалификация қилинади.

17. Судлар шуни назарда тутишлари лозимки, ЖК 246-моддасига мувофиқ, божхона назоратини четлаб ёки божхона назоратидан яшириб ёхуд божхона ҳужжатлари ёки воситаларига ўхшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланиб, декларациясиз ёки бошқа номга ёзилган декларациядан фойдаланиб, кучли таъсир қилувчи заҳарли, заҳарловчи, радиоактив, портловчи моддалар, портлатиш қурилмалари, қурол-яроғ, ўқотар қурол ёки ўқ-дориларни шунингдек, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ёки диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастликни тарғиб қилувчи материалларни, ядровий, кимёвий, биологик ва оммавий қирғин қуролининг бошқа турларини, шундай қуролларни яратишда фойдаланилиши мумкинлиги аён бўлган материал ва мосламаларни (бундан буён матнда — контрабанда ашёлари) Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтказиш бошқа жиноят — контрабанда таркибини ташкил этади.

Божхона чегараси орқали ЖК 246-моддасининг биринчи қисмида қайд этилган контрабанда предметларини ўтказишда ифодаланган ҳаракатларни квалификация қилишда контрабанда предметлари миқдори ҳуқуқий аҳамият касб этмайди.

Агар шахс ЖК 182-моддаси таъсирига тушувчи товарларни божхона чегараси орқали ўтказиш билан бир қаторда контрабанда жиноятини содир этса, унинг ҳаракатлари ЖК 182 ва 246-моддаларда назарда тутилган жиноятлар мажмуи билан квалификация қилинади.

Агар шахс контрабанда жиноятини содир этиш билан бир қаторда контрабанда ашёларининг ноқонуний муомаласи билан бошқа жиноятларни (ЖК 247, 248, 273-моддалари ва ҳ.к.ларни) содир этса, унинг ҳаракатлари жиноятлар мажмуи билан квалификация қилиниши лозим.

18. ЖПК 211-моддасига мувофиқ ҳукм, жиноят ишини тугатиш тўғрисида ажрим (қарор) чиқариш пайтида суд иш бўйича ашёвий далил деб топилган предметлар, шу жумладан транспорт воситалари тўғрисидаги масалани ҳал этиши шарт.

Мазкур масалани кўриб чиқиш чоғида судлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2012 йил 13 декабрдаги "Жиноят ишлари бўйича ашёвий далилларга оид қонунчиликни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги қарорида берилган тушунтиришларга амал қилишлари лозим.

Божхона чегараси орқали қонунга хилоф равишда ўтказилган, ашёвий далил деб топилган предметлар эгалиги юзасидан низолар фуқаролик суд ишларини юритиш тартибида ҳал этилади.

19. Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ва контрабандага оид ишларни кўришда судлар, бундай жиноятлар содир этилишига олиб келган сабаб ва шарт-шароитларни аниқлашлари ҳамда уларга хусусий ажримлар чиқариш йўли билан муносабат билдиришлари зарур.

Судлар божхона тўғрисидаги қонунчилик бузилишига доир ҳар бир иш бўйича чиқарилган суд қарорининг бир нусхасини маъмурий ёки жиноий ишни қўзғатган органга мазкур соҳада йўл қўйилган ҳуқуқбузарликлар ҳисобини юритиш ва таҳлил қилиш учун юборишлари лозим.

20. Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоят ва унга тенглаштирилган судлар божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик ва контрабандага доир ишлар бўйича суд амалиётини вақти-вақти билан умумлаштиришлари ва йўл қўйилган қонун бузилишларини ўз вақтида бартараф этиш чораларини кўришлари лозим.

21. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 27 февралдаги "Контрабанда ва божхона қонунларини бузиш тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида"ги 2-сонли ва 1998 йил 28 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1997 йил 26 декабрда тасдиқланган Божхона кодексининг қабул қилиниши муносабати билан суд амалиётида вужудга келган айрим масалалар тўғрисида"ги 30-сонли қарорлари ўз кучини йўқотган деб топилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси **Б.МУСТАФАЕВ**

Пленум котиби, Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси **А.УСМАНОВ**

Kuchli davlatdan — kuchli fuqarolik jamiyati sari

Муҳим ижтимоий-сиёсий жараён

жорий йилнинг ноябрь-декабрь ойларида фуқаролар йиғинлари раислари ва унинг маслаҳатчилари сайлови бўлиб ўтади

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Шунингдек, Конституциямизнинг 105-моддасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий асослари янада мустаҳкамланди. Унга кўра, шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқаролар йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлаши белгиланди.

Мазкур конституциявий қоидалар қонунчиликда янада ривожлантирилиб, 2004 йилнинг 29 апрелида **"Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"**ги қонун асосида мустаҳкамлаб қўйилди. Жорий йилнинг 22 апрелида эса, мазкур қонун янги таҳрирда қабул қилинди.

Ушбу қонуннинг 4-моддасида белгиланганидек, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови ошкоралик, муқобиллик ва тенг сайлов ҳуқуқи принциплари асосида амалга оширилади.

Айтиш керакки, фуқаролар йиғинининг раиси давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида, судда, юридик ва жисмоний шахслар билан муносабатларда фуқароларнинг манфаатларини ифодалайди, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи номидан фуқаровий-ҳуқуқий муносабатларда ҳаракат қилади, кам таъминланган оилаларнинг, шунингдек, табиий офатлардан жабр кўрган фуқароларнинг моддий ва маиший шароитларини яхшилаш тўғрисида тегишли органларга таклифлар киритади, вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича жамоатчилик ишларини ташкил этади, яраштирув комиссиясига раислик қилади.

Шу маънода маҳалла ривожи оқсоқол ва унинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларининг ҳаётий тажрибаси, ҳар бир масалага одилона ёндашуви ва ташкилотчилик қобилиятига ҳар жиҳатдан боғлиқдир. Шу боисдан ҳам фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчиси лавозимига муносиб номзодни танлаш ҳар бир сайловчидан алоҳида масъулият ва эътибор талаб этишини унутмаслик лозим. Мазкур лавозимларга кўрсатилган номзодлар ичидан муносиб шахсларни сайлашда сайлов жараёнини, сайловга тайёргарлик ва уни ўтказишни чинакам очиқ ва ошкора тарзда амалга ошириш ғоятда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, ошкоралик тамойили маҳалла аҳлига ўз фуқаролар йиғини оқсоқоли ва унинг маслаҳатчилари сайлови ташкил этилаётганлиги ҳақида, сайлов ўтказиладиган кун, вақт ва жой тўғрисида, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари лавозимига кимлар номзод сифатида кўрсатилганлиги ҳақида, овоз бериш якунлари тўғрисидаги маълумотларга эга бўлиш имконини беради.

Албатта, сайловларнинг ошкора ўтишида оммавий ахборот воситалари ҳам муҳим ўрин тутади. Шу боисдан, Қонуннинг 5-моддаси учинчи қисмига биноан, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш қандай бораётганлиги оммавий ахборот воситалари томонидан ёритиб борилади. Ўз навбатида, "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги қонун талабларидан келиб чиқиб, мазкур сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишда ошкораликни таъминлашнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагиларда намоён бўлишини таъкидлаш жоиз:

- Ўзбекистон Республикасининг оммавий ахборот воситалари фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик масалалари ҳамда сайлов жараёни қандай ўтаётганлигини ёритиб боради;

- фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишда ошкораликни таъминлаш кўмаклашувчи комиссиялар ҳамда ишчи гуруҳлар томонидан таъминланади;

- фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш очиқ ёки яширин овоз бериш орқали амалга оширилади. Овоз бериш шакли тўғрисидаги қарор фуқаролар йиғини томонидан очиқ овоз бериш орқали қабул қилинади;

- фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчилари сайлови очиқ овоз бериш орқали ўтказилаётганида овоз бериш ҳар бир номзод бўйича таклифларнинг келиб тушиш тартибига қараб, қўл кўтариш йўли билан ўтказилади;

- овозларни санаш натижалари бўйича саноқ комиссияси томонидан баённома тузилади ҳамда мазкур баённома саноқ комиссиясининг раиси томонидан ўқиб эшиттирилади ва фуқаролар йиғини томонидан тасдиқланади.

Бинобарин, фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови чинакам демократия ва муқобиллик тамойили асосида ўтказилиши ҳам энг асосий талаблардан биридир. "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги қонунда муқобиллик тамойилига ҳам алоҳида аҳамият берилган. Мазкур қонуннинг аввалги таҳририда сайлов ўтказишнинг асосий принциплари қаторида муқобиллик принципи мустаҳкамланмаган эди. Ушбу принципнинг янги таҳрирдаги қонунда мустаҳкамланиши, ўз навбатида, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари лавозимига икки ёки ундан кўп номзод кўрсатилган ҳолда амалга оширилишини назарда тутади.

Сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишда муқобилликни таъминлашнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагиларда яққол кўзга ташланади:

- сайловчилар бир неча номзодлар ичидан фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари лавозимига ташкилотчилик қобилиятига эга ҳамда ҳаётий тажрибага бой, энг муносиб шахсни танлаш имкониятига эга бўлади;

- номзодлар ўртасида рақобатни кучайтиради. Бундай рақобат худудни иқтисодий, ижтимоий ривожлантиришга хизмат қилади.

Фуқаролар йиғинида ҳозир бўлган фуқароларнинг ярмидан кўпининг овозини олган номзод фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчиси лавозимига сайланган, деб ҳисобланади. Маслаҳатчилар лавозимига номзодлар эса, фуқаролар йиғини кўриб чиқиши учун фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) томонидан тақдим этилади.

Шундай экан, Ватанимизнинг ҳар бир фуқароси ўз тақдирига, оиласи, маҳалласи, қолаверса, халқи ва келажак авлод тақдирига дахлдор бу сиёсий жараёндан четда қолмаслиги, сайловда фаол иштирок этиши даркор.

А.ДЖАЙНАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходим

Qonun ijodkorligi

Малакали кадрлар тайёрлаш тизими

янги қонунлар асосида янада такомиллашмоқда

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбари фармонларида белгиланган вазифаларнинг тўлиқ ижросини таъминлаш мақсадида Олий суд томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида Олий Мажлис Қонунчилик палатасига "Суд тизими фаолияти янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси киритилди.

Шу ўринда ушбу қонун лойиҳаси тўғрисида батафсил фикр юритадиган бўлсак, унда Конституциявий суд, умумий юрисдикция судлари ва хўжалик судларининг судьялари хизмат вазифаларини бажаришлари муносабати билан жисмоний шахслар даромадларидан олинадиган солиқ тўловидан озод қилиниши;

судьялик лавозимида камида беш йил ишлаган шахсларни, агар уларнинг ваколат муддати тугаган вақтдан уч йилдан ошмаган бўлса, нотариус лавозимига тайинлаш ёки адвокатлик лицензиясини олиш жараёнида стажировка ўташдан озод қилиш;

судьялик лавозимига тайинлангани ёки сайлангани туфайли эгаллаб турган лавозимидан озод қилинган шахсларни ваколат муддати тугаганидан сўнг ишга жойлаштириш кафолатлари;

судьялик лавозимига номзодларнинг ёш бўйича талабни йигирма беш ёшдан ўттиз ёшга, юридик соҳадаги иш стажини уч йилдан беш йилга ошириш, номзодга нисбатан судланганлик, одил судловни амалга оширишга тўсқинлик қилувчи касаллик мавжуд бўлмаслиги сингари қўшимча чекловларнинг киритилиши;

судьялик лавозимига номзодларнинг ўқиши ва мажбурий стажировка ўташи;

судьялик лавозимига номзодларнинг мажбурий ўқиши мобайнида уларнинг асосий иш жойидаги ўртача ойлик иш ҳақининг сақланиб қолиниши кафолатлари каби талаблар ўз ифодасини топган.

Энг муҳими, шу пайтга қадар қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинган судьяларнинг ижтимоий кафолатлари илк марта қонун даражасида мустаҳкамланмоқда.

Бундан ташқари қонун лойиҳасида Меҳнат ва Солиқ кодексларига, "Судлар тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида"ги, "Нотариат тўғрисида"ги, "Адвокатура тўғрисида"ги ва "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги қонунларга ҳам тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш кўзда тутилган.

Хулоса қилиб айтганда, қонун лойиҳасида таклиф қилинаётган ўзгартиш ва қўшимчалар судьялик лавозимига номзодларни танлаш ва тайёрлаш тизимини тубдан янгилашга, судьялик лавозимига катта тажрибага эга бўлган юқори малакали мутахассисларни жалб қилиш ҳисобига судьялар корпусини малакали кадрлар билан тўлдиришга хизмат қилади.

Олимжон ЎСАРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Islohot va samara

Назорат тартибида иш юритиш

амалда кутилган самарани бермоқда

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Миркомил Рўзиев шу йил 14 январь куни кеч соат тўққизу ўттизларда маст ҳолда амакиси Равшан Рўзиевнинг уйига боради ва у билан жанжаллашиб қолади. Унинг яна бир амакиси Равил Рўзиев уларни муросага келтиришга уринади. Миркомил амакиси Равилни ҳам ҳақоратлагани етмагандек, унинг бошига темир жисм билан қасддан уриб, жабрланувчига ҳаёт учун хавфли бўлган тан жароҳати етказади.

Биринчи босқич суди томонидан судланувчи М.Рўзиев Жиноят кодексининг 104-моддаси 2-қисми "б", "в" бандларида кўрсатилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилган ва унга нисбатан мазкур модда санкцияси доирасида жазо тайинланган. Жиноят ишлари бўйича вилоят суди апелляция инстанциясининг шу йил 4 июндаги ажримига кўра, М.Рўзиевга нисбатан суд ҳукми ўзгартирилиб, унинг қилмиши Жиноят кодексининг 104-моддаси 1-қисмига қайта малакаланган. М.Рўзиевга нисбатан уч йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган ҳамда жазони мажбурий меҳнат колонияларда ўташ белгиланган.

Айтиш керакки, Жиноят-процессуал кодексининг 510-моддасига асосан жабрланувчи Равил Рўзиев ҳамда маҳкумнинг қонуний вакили — онаси Г.Рўзиевалар томонидан М.Рўзиевга нисбатан биринчи босқич суди томонидан чиқарилган ҳукм ва жиноят ишлари бўйича апелляция инстанцияси судининг ажрими устидан назорат тартибида вилоят судига шикоят келтирилган. Ушбу шикоят юзасидан вилоят суди раиси томонидан вилоят суди раёсатига назорат тартибида протест билдирилган. Мазкур протестда айбдор М.Рўзиевга нисбатан чиқарилган суд ҳукмларини ўзгартириб, унга нисбатан Жиноят кодексининг 72-моддасини қўллаган ҳолда шартли жазо тайинлаш сўралган.

Айтиш керакки, Раёсат қарори билан протест қаноатлантирилди. Айбдор М.Рўзиевга нисбатан бир йил синов муддати белгиланди. Унинг шу йил 8 май кунидан 27 июнь кунига қадар қамоқда ўтирган бир ой ўн тўққиз куни Жиноят кодексининг 62-моддасига асосан озодликдан маҳрум қилиш жазосидан чегириб ташланди.

Кези келганда раёсат мажлисида М.Рўзиевга нисбатан тайинланган жазо чорасининг ўзгартирилишига сабаб бўлган асосларга алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз.

Гап шундаки, апелляция инстанцияси суди томонидан М.Рўзиевнинг жиноий ҳаракатлари Жиноят кодексининг 104-моддаси 1-қисми билан тўғри малакаланган.

Аммо Жиноят кодексининг 7-моддаси 2-қисмига мувофиқ, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши, ушбу кодекснинг 8-моддасига асосан эса, қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши керак. Шунингдек, Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги **"Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида"**ги 1-сонли қарорининг 3-банди 1-хатбошисида "Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши — ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак"лиги қайд этилган.

Мазкур Пленум қарорининг 26-бандида "Озодликдан маҳрум қилиш жазо тариқасида, одатда, оғир ва ўта оғир жиноят содир этган шахсларга, алоҳида ҳолларда эса, судланувчининг шахсини инобатга олган ҳолда ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни содир қилган шахсларга нисбатан, агар бундай шахсларни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатишнинг имкони бўлмаса, қўлланилади", деб қайд этилган.

Биринчи босқич суди ва апелляция инстанцияси томонидан юқоридаги талабларга тўлиқ риоя қилинмаган. Чунки иш ҳужжатларидан кўринишича, М.Рўзиев муқаддам судланмаган, у айбига тўлиқ иқрор ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон. Жабрланувчининг судланувчига нисбатан даъвоси йўқ. У суд мажлисида берган кўрсатмасида қариндоши Миркомил Рўзиевга нисбатан даъвоси йўқлигини айтиб, енгил жазо тайинлашни сўраган. Биринчи босқич суди ва апелляция инстанцияси суди М.Рўзиевнинг шахсини, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини, жиноятнинг хусусиятини ва унинг содир этилиш сабабларини эътиборга олмаган.

Жиноят кодексининг 72-моддасида, суд агар айбдор тайинланган жазони ўтамасдан туриб ҳам унинг хулқини назорат қилиш орқали тузатиш мумкин, деган қатъий фикрга келса, шартли ҳукм қўллаши мумкинлиги қайд этилган. М.Рўзиев истиқомат қилган маҳалла фуқаролар йиғини раиси томонидан берилган тавсифномада Миркомилнинг хулқи ва одоби жиноят содир этгунига қадар яхши бўлгани, оиласининг ягона боқувчиси эканлиги қайд этилиб, унга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлаш сўралган.

Вилоят суди раёсати М.Рўзиевнинг шахси, айбига тўлиқ иқрор ва пушаймонлиги, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси, яшаш жойидан ижобий тавсифланганлиги, жабрланувчининг даъвоси йўқлиги сингари жазони енгиллаштирувчи ҳолатларни эътиборга олиб, тайинланган жазони ўтамасдан туриб ҳам унинг хулқини назорат қилиш орқали тузатиш мумкин, деган тўхтамга келди. М.Рўзиев ўз қилмишидан пушаймон бўлгани ҳолда қонунларимиздаги инсонпарварлик тамойилининг моҳиятини чуқур англаб етди.

Хулоса қилиб айтганда, назорат тартибида иш кўриш амалиёти суд ҳужжатларининг қонунийлиги, адолатлилиги ва асослилигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Бу, ўз навбатида, фуқаролар ҳуқуқлари ҳимояси ва қонун устуворлигини таъминламоқда.

Рустам АБДУЛЛАЕВ,
жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилояти судининг раиси,
Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
"Куч — адолатда" мухбири

Muloqot

Газетхон савол беради...

— Мен якка тартибдаги тадбиркорлик билан шуғулланиш ниятидаман. Айтинг-чи, бу борада давлат рўйхатидан ўтиш учун қандай ҳужжатлар талаб қилинади?

Б.СОДИҚОВ,
Сурхондарё вилояти

— Президентимизнинг 2006 йил 24 майдаги "Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида"ги Қарори билан тасдиқланган "Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 12- бандига кўра, жисмоний шахс томонидан якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиш учун яшаш жойи бўйича туман, шаҳар хокимликлари ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциясига ариза билан тўғридан-тўғри ёки почта орқали хат юбориш орқали мурожаат қилинади.

Ариза билан бирга 2 та расм, давлат божи тўланганлиги ҳақида банк тўлов ҳужжати, муҳр ва тамғани эскизлари икки нусхада (якка тартибдаги тадбиркорнинг хоҳишига кўра) ва паспорт нусхаси топширилади.

Саволга Адлия вазирлиги масъул ходими Б.Умаров жавоб берди.

21-oktabr — «Davlat tili haqida»gi qonun qabul qilingan kun

Миллий ўзлигимиз ифодаси

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Интернет тармоғида ўзбек тилидаги сайтларнинг тобора кўпайиб бораётгани тилимизнинг халқаро миқёсдаги мавқеи ошиб бораётганидан далолатдир. Дунёнинг исталган нуқтасида интернет тизимидаги ўзбекча веб-сайтлардан фойдаланиш мумкин.

Юртимиз жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида кўплаб давлатлар билан иқтисодий, сиёсий, маданий ва бошқа соҳаларда изчил муносабатларга киришди. Халқаро алоқаларнинг йўлга қўйилиши ҳамда глобаллашув жараёнлари натижасида тилимизга янги-янги сўз ва иборалар кириб келди, сўз бойлигимиз ортди. Айни пайтда ўзбекча сўзлар бошқа тиллар луғатидан ҳам ўрин олмоқда. Айниқса, тилимизнинг халқаро миқёсдаги ўрни тобора юксалиб бормоқда. У йирик халқаро анжуманлар, саммит ва бошқа расмий маросимларда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Юртимиздаги маъмурий-ҳудудий бирликлар, топонимик объектлар номларининг халқимиз маънавиятига мос ҳамда давлат тилида бўлишини таъминлаш юзасидан қонунчилик асослари яратилди. Шунга биноан, географик номлар, шаҳарлар, қишлоқлар, кўчалар, майдонлар, тарихий ҳамда маданий ёдгорликлар, турар-жой мавзелари, савдо расталари ва бошқа ижтимоий-маданий аҳамиятга молик объектларнинг номлари давлат тилида бўлиши лозим. Тил ҳақидаги қонун ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 11 августда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасидаги маъмурий-ҳудудий бирликлар, аҳоли пунктлари, ташкилотларга ва бошқа топонимик объектларга ном бериш ишларини тартибга солиш тўғрисида"ги қарори асосида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Маълумотларга кўра, ер юзида беш мингга яқин тил ва лаҳжа бор. Ҳар бирида йигирма миллиондан ортиқ одам гаплашадиган тилларнинг умумий сони эса қирққа бормайди. Яна бир қизиқарли рақам: Ер юзида минглаб тил ва лаҳжалар мавжуд бўлгани ҳолда атиги юзга яқин тил давлат тили мақомига эга. Демак, биз ҳам она тилимиз билан фахрланишга ҳақлимиз. Ўзбек тилида мамлакатимиздан ташқарида ҳам миллионлаб кишилар сўзлашади. Турли мамлакатларда ўзбек тилида китоблар, газета ва журналлар нашр этилади.

Она тилимизнинг жозибаси, жонбахш ва умрбоқий сеҳри кун сайин ортиб бормоқда. Бунда матбуот ва оммавий ахборот воситалари, шубҳасиз, муҳим ўрин тутади. Зеро, тилимизнинг нафосати, жилоси ва сеҳри ана шундай мулоқот ва тарғибот-ташвиқот воситаларида янада яққол намоён бўлади. Истиқлолга қадар ўзбек тилида фаолият кўрсатган газета, журнал, радио ва телевидение каналлари жуда озчиликни ташкил этарди. Бугунги кунда уларнинг сони мингдан ортиб кетди. Аньанавий оммавий ахборот воситалари ёнига янги замонавий электрон восита — интернет тармоғи қўшилди. Тилимизнинг таъсир кучи ортди, ахборот маконимиз доираси кенгайиб, ахборот хавфсизлиги мустаҳкамланди.

Ўтган давр мобайнида қўлга киритилган яна бир улкан ютуғимиз — жамиятимиз барча аъзоларининг тилга эътибор — элга эътибор эканини теран англай бошлаганидир. Тилнинг ривожини таъминлаш, аввало, жамиятда шундай тушунчаларнинг барқарорлигига, тил эгаларининг бебаҳо бойликка ҳурмат-эҳтиромига боғлиқ. Ўзбек тили таълими мазмунининг тубдан ислоҳ қилингани, шунга мувофиқ янги дарсликлар яратилгани, уларнинг нашрдан-нашрга тўлдирилган ва такомиллаштирилган ҳолда чоп этилаётгани ёш авлоднинг тил тарбиясида муҳим аҳамият касб этмоқда. "Давлат тили ҳақида"ги қонун ижросини таъминлашга қаратилган Давлат дастури асосида яратилган 5 жилдли "Ўзбек тилининг изоҳли луғати" маданий ҳаётимиздаги муҳим воқеа бўлганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Давлатимиз раҳбари "Юксак маънавият — енгилмас куч" китобида таъкидлаганидек, ўзбек тили мустақил давлатимизнинг байроғи, герби, мадҳияси, Конституцияси қаторида турадиган, қонун йўли билан ҳимоя қилинадиган муқаддас тимсолларидан бирига айланди. Шуни мамнуният билан қайд этиш жоизки, мамлакатимизда барча демократик тамойилларга мос келадиган, ғоят холис ва оқилона тил сиёсати шакллантирилган. Мамлакатимизда истиқомат қилаётган барча миллат вакиллари ўзбек тилига мустақил давлатимизнинг муқаддас тимсолларидан бири сифатида эҳтиром кўрсатиб, уни ўқиб-ўрганмоқда. Шу билан бир қаторда, уларнинг ҳам ўз она тили ва маданияти ривожи учун берилган имкониятлар самараларини ҳар қадамда учратиш мумкин. Юртимизда таълим ўзбек, қорақалпоқ, рус, қозоқ, қирғиз, туркман, тожик тилларида олиб борилади, бу тилларнинг барчасида дарслик ва ўқув адабиётлари нашр қилинади. Республика Байналмилал маданият маркази таркибида фаолият кўрсатаётган миллий маданий марказлар турли миллат вакилларининг урф-одатлари, анъаналари, маданияти, тили каби бебаҳо миллий қадриятларининг сақланиши ва ривожланишига хизмат қилмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, тилимизни ривожлантириш, унинг қамровини кенгайтириш, келажак авлодга соф ва янада бой ҳолда етказиш ҳамиша долзарб аҳамиятга эга. Бу хайрли ишга ҳисса қўшиш ҳар биримизнинг ватанпарварлик бурчимиздир.

Лолахон НИШОНОВА

Garoyib olam

Дунё халқларининг турмуш тарзига назар ташласак, турли-туман анъана ва удумлар билан бирга вақти-вақти билан ўтказиладиган антиқа мусобақалар ҳам борлигини кўриш мумкин. Энг қизиғи, бундай мусобақа-ю беллашувлар фақат муайян миллат ва элатларга тегишли бўлиб, бошқа халқлар ҳаёт тарзида деярли учрамайди.

Биз билган ва билмаган дунё

Масалан, Англиянинг Оли шаҳрида уй бекалари қўлида това ушлаганча югуриш мусобақаси анъанага айланган. Бу мусобақанинг асосий шарти бир қўлида това ушлаганча югуриб бораётган бека иккинчи қўли билан товага қандайдир пиширик ташлайди. Агар мусобақа иштирокчиси пиширикни тушириб юборса, у шу заҳотиёқ ўйиндан чиқади.

Швейцариянинг Альп тоғи этакларида яшайдиган элатлар томонидан эса, харсанг тошни узоққа улоқтириш беллашуви мунтазам ўтказиб турилади. Айтиш керакки, бу борада ҳозирга қадар энг юқори кўрсаткич — 3 метрлик тош бўлиб қолмоқда. 4 метрлик тошни ҳали ҳеч ким улоқтира олмаган.

Вьетнамдаги денгиз соҳилида яшовчи аҳоли орасида узунлиги 2 метрга яқин ёғочоёқда футбол ёки волейбол ўйнаш анъанага айланган.

Филиппин пойтахти Манила шаҳрининг жанубида жойлашган бир қатор қишлоқларда бундан ҳам ғалати анъана бор. Гап шундаки, аҳоли далалардан ҳосилни йиғиштириб олгач, катта мусобақа ўтказади. Унда қишлоқнинг ботир саналган йигитлари ёниб турган кўмир устида яланг оёқ ҳолда рақсга тушишади. Бу мусобақада ким узоқ вақт рақсга тушса, у ғолиб деб топилади ва унга махсус соврин топширилади.

Болгариянинг Етропол шаҳрида эса, ҳар йили куёвлар учун махсус мусобақа ўтказилади. Биринчи кун шаҳарнинг марказий майдонига куёвларнинг нимага қодирлигини кўриш учун томошабинлар йиғилишади. Бу мусобақа савол-жавобдан бошланади. Яъни куёвликка даъвогар йигитларнинг ақлий салоҳияти обдан синовдан ўтказилади. Бу синовдан муваффақиятли ўтган йигитларга махсус дипломлар топширилади. Мусобақанинг иккинчи куни эса, кучлилик ва чаққонликни намойиш этувчи спорт мусобақалари бошланади. Энг қизиғи, бу мусобақанинг ғолиблари фақатгина қайнона ва қайноталардан ташкил топган ҳакамлар томонидан аниқланади.

Франциянинг шарқий ҳудудида жойлашган кичик шаҳарларнинг бирида анъанавий тарзда сартарошлар ўртасида югуриш бўйича мусобақа ўтказилиб келинади. Қизиғи шундаки, бу беллашувда биринчи ўринни эгаллаган ҳам, охирги ўринда қолган ҳам албатта, ўзига хос мукофот билан тақдирланади. Аниқроқ айтганда, мусобақа ғолибининг сочи энг сўнгги русумда турмакланса, охирги ўринни эгаллаган иштирокчининг сочи қиртишлаб олиб ташланади.

Полинезиянинг шарқий қисмида жойлашган Туамоту оролида истиқомат қиладиган аҳоли ўртасида пальма япроқларидан чанғи ўрнида фойдаланиб, қум тепаликдан пастга шўнғиш бўйича мусобақа ўтказилади. Қизиғи шундаки, ороллиқларнинг энг севимли машғулоти "япроқ чана"да учиш ҳисобланар экан. Шу боис ҳар йили улар спортнинг бу тури бўйича ўтказиладиган мусобақага алоҳида тайёргарлик кўришади.

Одатда, отлар иштирокидаги мусобақалар махсус майдонларда ўтказилади. Таити оролида эса, отлар пойгаси сувда ўтказилади. Чавандозлардан отда 1000 метр масофани ким тез сузиб ўтиши талаб этилади.

Мексиканинг чекка ҳудудларида яшовчи аҳоли ўртасида ҳам ғалати мусобақа доимий равишда ўтказилиб келинади. Хўш, бу қандай мусобақа дейсизми? Гап шундаки, хўроз ишқибозлари ўртасида ўтказиладиган бу ўйинда хўрозлар ўзаро жанг қилишмайди. Аксинча, унда кимнинг хўрози узоқ вақт қичқирса, ўша киши ғолиб деб топилади. Маҳаллий ишқибозлар хўрознинг узоқ вақт қичқиришининг ҳам йўлини топишган. Улар мусобақа бошланишидан олдин хўрозларни қоп-қоронғи хонага узоқ вақт қамаб қўйишади. Сўнг қоронғиликдан ёруғликка чиққан хўрозлар, бирдан қичқириб юборади. Маълумотларга қараганда, ҳозирча хўрознинг энг узоқ қичқиргани 22 дақиқаю 36 лаҳзани ташкил этган.

Бразилиянинг Сан-Паулу шаҳрида эса, ҳар йили официант, ошпаз ва ресторан хизматчилари иштирокида узоқ масофага югуриш бўйича мусобақа ўтказилади. Бу мусобақанинг асосий шарти — унинг қатнашчилари қўлида патнис ушлаганча югуриши керак. Патнисга сув тўла стакан ҳам қўйилади. Бу сувнинг бир томчисини ҳам тўкмай маррага тез етиб келган иштирокчи ғолиб деб топилади. Агар қайсидир иштирокчи сувни тўкиб юборса, у нафақат мусобақадан четлаштирилади, балки ихтиссослигидан ҳам маҳрум бўлиб қолади.

Ҳар қалай, бу мусобақалар ҳарқанча ғалати ва ғаройиб туюлмасин, барида чаққонлик, эпчиллик, ақлий ва жисмоний салоҳият намоён бўлувчи эзгу ҳаракатлар мужассам.

Интернет материаллари асосида Шаҳло ХУДОЙБЕРГАНОВА тайёрлади.

Fuqarolik qonunchiligi

Меҳнат ҳуқуқи

қонун билан кафолатланган

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Унга кўра, меҳнат шартномаси — ходим билан иш берувчи ўртасида муайян мутахассислик, малака, лавозим бўйича ишни ички меҳнат тартибига бўйсунган ҳолда тарафлар келишуви, шунингдек, меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланган шартлар асосида ҳақ эвазига бажариш ҳақида келишувдир.

Ходим ва иш берувчи меҳнат шартномасининг тарафлари ҳисобланади. Меҳнат шартномасини тузиш ҳақидаги келишувдан олдин қўшимча ҳолатлар (танловдан ўтиш, лавозимга сайланиш ва бошқалар) бўлиши мумкин. Ходим ўриндошлик асосида ишлаш тўғрисида, башарти бу қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бўлса, меҳнат шартномаси тузиши мумкин.

Бундан ташқари меҳнат шартномаси ёзма шаклда тузилиши лозимлиги ҳам қонунда мустаҳкамланган. Меҳнат шартномасида тарафларнинг манзиллари кўрсатилиши шарт. Ушбу ҳужжат ходим ва ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахснинг имзолари билан мустаҳкамланиб, муддати қайд этиб қўйилади. Мансабдор шахснинг имзоси корхона муҳри билан тасдиқланади.

Бундан ташқари меҳнат дафтарчасини тўғри ва қонуний тўлдириш ҳам катта аҳамият касб этади. Меҳнат дафтарчаси ходимнинг стажини тасдиқловчи асосий ҳужжатдир. Иш берувчи корхонада беш кундан ортиқ ишлаган барча ходимларга меҳнат дафтарчасини юритиши шарт, ўриндошлик асосида ишловчилар бундан мустасно.

Маълумки, Меҳнат кодексининг 240-моддасида ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг меҳнат ҳуқуқлари ҳақида сўз юритилган бўлиб, унга асосан, ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимлар ўзларининг меҳнат ҳуқуқи лаёқатлари мазмуни бўйича катта ёшдаги ходимлар билан тенг ҳуқуққа эга. Жумладан, иш ҳақи олиш, корхонада белгиланган енгиллик ва имтиёзлардан фойдаланиш, компенсациялар ҳамда бошқа масалаларда улар катталар билан тенг ҳуқуқлидирлар.

Шу ўринда меҳнат низолари билан боғлиқ суд амалиётига тўхталадиган бўлсак, фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилояти судига 2012 йил давомида меҳнат низолари бўйича жами 110 та фуқаролик иши келиб тушган, шундан 91 та иш бўйича ҳал қилув қарори чиқарилган, 47 та даъво қаноатлантирилган, 11 та фуқаролик иши юзасидан тегишли хусусий ажрим чиқарилган. 2013 йилнинг 9 ойи давомида эса, меҳнат низолари бўйича жами 104 та фуқаролик иши келиб тушган, шундан 85 та ҳал қилув қарори чиқарилган, 62 та даъво қаноатлантирилган.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, меҳнат шартномаси қонунларга тўлиқ амал қилиниб тузилган бўлса, у иш берувчига ҳам, ходимга ҳам ҳеч қандай муаммо туғдирмайди. Бундай шароитда меҳнат жамоасида иш унумдорлиги ортиб боради.

Д.АБДУСАТТАРОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилояти судининг раиси ўринбосари вазифасини бажарувчи

Jinoyatga jazo muqarrar

Жиноятга бошлаган — иллат

ёхуд ичкиликка ружу қўйишнинг оқибати ҳақида

Бу ҳаётда кишини тўғри йўлдан оздирадиган, уни турли хил қилмишларга қўл уришга ундайдиган иллатлар ҳам оз эмас. Шулардан бири — спиртли ичимлик ичишга ружу қўйиш кишини нафақат бадном қилади, балки оиладаги тинчлик-хотиржамликка, фарзандлар тарбиясига ҳам таъсир ўтказади. Бундан ҳам ёмони шундаки, ичкилик таъсирида келиб чиққан можаро ҳатто инсон умрига ҳам зомин бўлиши мумкин.

Жомбойлик Низом (исм-шарифлар ўзгартирилди) ўзининг туғилган куни муносабати билан меҳмонларга атаб тўкин дастурхон ёзди. Уни қутлаш учун келган танишлари хушнуд ҳолда узоқ ўтиришди. Бунинг устига меъёридан ортиқ спиртли ичимлик истеъмол қилганларнинг аксарияти ширакайф ҳолга келиб қолган, уларнинг ҳеч бири уйга кетишга ошиқмасди. Айниқса, шу маҳаллада яшайдиган Тўлқин Алиев тун алламаҳал бўлиб қолганига қарамай, уйига қайтишни хаёлига ҳам келтирмай чайқалиб ўтирарди.

Бир пайт у Низомга яна ароқ келтиришни, бирга ичмоқчи эканини айтди. Низом кун бўйи югур-югурдан қаттиқ толиққан эди. Шу боис у "Ака мен ҳам чарчадим, дам олай, сиз ҳам уйингизга боринг, вақт алламаҳал бўлиб қолди", дея меҳмоннинг ўрнидан туришига кўмаклашди. Улар дарвозадан чиқаётган пайт Т.Алиев гандираклаб кетиб, теракзор орасига йиқилиб тушди. Низом уни ўрнидан турғазиб, яна ҳовлига олиб кирди. Т.Алиевнинг уст-боши тупроққа беланган эди. Низом унинг қўлига сув қўйиб, сочиқ тутқазди.

Т.Алиев муздек сувга юзини ювгач, пича ўзига келди. Бироқ у ҳеч кутилмаганда Низомнинг юзига қўққисдан мушт тушириб қолди. Мезбоннинг пастки лаби ёрилиб, қон сизиб чиқа бошлади. Низом иззатини билмаган меҳмоннинг бундай хурмача қилиғидан, табиийки, ғазаби қўзиди. У ўзини босолмай Т. Алиевга қўл кўтарди. Низомнинг зарбидан Т.Алиев гандираклаб йиқилди. Шунда ҳам Низом жаҳлини жиловлаш ҳақида ўйламади. Аксинча, у Т.Алиевнинг дуч келган жойига икки-уч марта қаттиқ тепди. Уларнинг бақир-чақирини эшитиб, ҳовлига чиққан Салима эрини четга тортиб, ундан оғирроқ бўлишини сўради. Шундан сўнг Низом ўғлини чақириб, Тўлқин аканинг қариндошларига хабар беришни, уни уйига олиб кетишларини тайинлади.

Буёғини сўрасангиз, Тўлқин Алиевнинг яқинлари етиб келган пайтда у аллақачон жон таслим қилганди. Тиббий хулосада марҳум Т.Алиевнинг ўлимига ўткир ички қорин бўшлиғида қон кетиши билан кечган йўғон ичакнинг ёрилиши кўринишидаги қорин аъзоларининг ёпиқ шикасти сабаб бўлганлиги қайд этилган.

Хуллас, ақлни йўқотиш даражасида ичкилик ичиш оқибатида бир оиланинг устуни, эллик ёшли инсон ҳаётдан бевақт кўз юмди. Қасддан баданга оғир шикаст етказиш натижасида жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлишда ифодаланган жиноятни содир қилган Н.Намозов эса, Жиноят кодексининг 104-моддаси 3-қисми "д" банди билан айбдор деб топилди ва тегишли муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Агар рўй бериб ўтган бу воқеа ҳақида фикр юритадиган бўлсак, аввало, ҳаммасига ичкилик оқибатида ҳушёрликни унутиш сабаб бўлганини англаш қийин эмас.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, ичкиликка ружу қўйиш, меъёрни унутиш турли кўнгилсизликларга сабаб бўлади. Ҳушёрлик, ҳар жойда ўз ўрнини билиш ва иззат-ҳурматини сақлаш эса, инсоний фазилатдир.

Шароф ШУКУРОВ,
жиноят ишлари бўйича Жомбой тумани судининг раиси

Куч—адолатда

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Бўритош МУСТАФОЕВ, Шоюнус ГАЗИЕВ, Қўчқор ТОҒАЕВ, Русланбек ДАВЛЕТОВ, Мавжуда РАЖАБОВА, Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ, Омонбой ОҚЮЛОВ, Холмўмин ЁДГОРОВ, Икром МУСЛИМОВ, Ғайрат ҲИДОЯТОВ, Арислон УСМАНОВ, Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир: Сардор ХАМРОЕВ
Саҳифаловчи: Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1-уй.
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Тел.: (8 371) 239-02-54, 241-01-56

Буюртма: Г-1016. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 6687.
1 3 4 5 Топшириш вақти: 21⁰⁰ Топширилди: 21³⁰